

Инсон қалбига боғлиқ ишлар мураккаб ва нозикдир



19:30 / 19.07.2020 3798

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

«Уларнинг ҳидояти сенинг зиммангда эмас. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қиладир. Нимаики яхшиликни нафақа қилсангиз, ўзингиз учун. Қилган нафақангиз фақат Аллоҳнинг юзини исташ учундир. Нима яхшилик нафақа қилсангиз, сизларга зулм қилинмаган ҳолда ўзингизга тўлалигича берилур». (Бақара сураси, 272-оят).

Инсон қалбига боғлиқ ишлар ниҳоятда мураккаб ва нозикдир. Ҳеч қачон бир инсон ўзга бир инсоннинг қалбига эгалик қила олмайди. Фақатгина оламларнинг ва қалбларнинг Робби – Аллоҳ таолонинг Ўзигина эгалик

қилади. Бу борада ҳатто Пайғамбар алайҳиссалату вассалом ҳам аралаша олмасликлари ушбу ояти каримада эслатиб ўтилмоқда:

«Уларнинг ҳидояти сенинг зиммангда эмас».

«Шунинг учун даъватингга қулоқ солишмаса, нафақа қилишга ҳаракат қилишмаса, сиқилма, ҳижолат бўлма, аччиғинг чиқмасин».

«Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қиладир».

Бундай ишлар Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқ ишлардир. Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоятга бошлайди. Кимни хоҳласа, ўшани нафақа қилишга, хайру эҳсонга бошлайди. Бу нарсалар Аллоҳнинг ихтиёрисиз бўлмайди.

«Нимаики яхшилиқни нафақа қилсангиз, ўзингиз учун».

Сиртдан қараганда, нафақа қилган киши нафақа олган одамга фойда етказганга ўхшайди. Аслида эса ҳамма фойда нафақа қилувчига бўлади. У аввало, Аллоҳнинг амрини амалга оширади, иккинчидан, кўпдан-кўп савобга эга бўлади, охиратда жаннатга киради. Бу дунёда одамларнинг муҳаббатига, эҳтиромига сазовор бўлади, ризқи кенг бўлади. Яна бошқа кўпгина фойдалар борки, уларни Аллоҳнинг Ўзи билади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалату вассаломдан ривоят қилинган ҳадислардан бирида: «Садақа балоларни рад қилади ва умрни зиёда қилади», – дейилган.

«Қилган нафақангиз фақат Аллоҳнинг юзини иташ учундир».

Бу иш фақат мўмин кишига хос ишдир. Фақат мўмин кишигина Аллоҳнинг юзи, розилиги учун хайр-эҳсон қилади. Бошқалар риё учун, пора учун, баъзи бир кишиларнинг розилиги учун ва яна бошқа шунга ўхшаш ғаразлар учун нафақа қиладилар.

«Нима яхшилиқ нафақа қилсангиз, сизларга зулм қилинмаган ҳолда ўзингизга тўлалигича берилур».

Қанча нафақа қилган бўлсангиз, ҳаммасининг савобини тўла оласиз. Баъзисини камайтириб, сизларга зулм қилинмайди.

Ибн Аби Ҳотим қилган ривоятда ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Пайғамбар алайҳиссалату вассалом авваллари кишиларни аҳли Исломдан бошқаларга нафақа бермасликка буюрар эдилар. «Уларнинг ҳидояти сенинг зиммангда эмас. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қиладир» ояти нозил бўлгандан кейин ҳаммага ҳам садақа қилаверишга буюрдилар», – деганлар.

Мусулмон бўлмаган кишиларга қилинадиган садақа ихтиёрий садақалардан бўлади. Фарз садақалар эса фақат мусулмон кишиларга берилади.

Бундан маълум бўладики, Ислом диний эркинликни эътироф этибгина қолмай, балки мусулмонларни бошқа диндаги кишиларга яхшилик қилишга, молиявий ёрдам беришга ҳам қизиқтиради.

«Тафсири Ҳилол» китобидан